



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

8 (70) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМООНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

8 (70)

2024

август

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 615.5-002.2+615.89.615.26

**ҲОЗ ЁҒИ ТАРҚИБЛИ ТАБИИЙ МАҲЛАМДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА
СУРУНКАЛИ АЛЛЕРГИК ДЕРМАТИТЛАРНИ ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

Каримова Ф.Р. <https://orcid.org/0009-0008-5021-0029>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

Ҳозирги кунда ЖССТ маълумотларига қараганда аллергиялик дерматит ер юзи аҳолисининг 15 % да учрайди. Дунёда тарқалиши бўйича аллергиялик дерматитлар барча тери касалликларининг 20-40 % ни ташкил этади. Ушбу касалликнинг ёш болалар орасида тарқалиш частотаси 20 % гача, катта ёшли одамларда 2-8 % ҳолатда учрайди. Эркак ва аёлларда бир хилда учрайди. Ишлаб чиқариш ва кимёвий sanoat ривожланган ҳудудларда юқори. Европада тахминан 10-15% катталар контакт дерматитга дуч келади. Осиё ва Африкадаги айрим минтақаларда тарқалиш даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан паст ҳисобланади. Индустириаллашган ва урбанизациялашган ҳудудларда тарқалиши частотаси юқори бўдиб, ҳар 100 кишидан 1-2 тасида доимий аллергиялик дерматитни кузатиш мумкин.

Калит сўзлар: аллергиялик дерматит, кимёвий sanoat корхоналари, контакт дерматит.

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЛЕЧЕНИЯ ХРОНИЧЕСКИХ
АЛЛЕРГИЧЕСКИХ ДЕРМАТИТОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ НАТУРАЛЬНОЙ МАЗИ
НА ОСНОВЕ ГУСИНОГО ЖИРА**

Каримова Ф.Р. <https://orcid.org/0009-0008-5021-0029>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Резюме**

В настоящее время, по данным ВОЗ, аллергияческий дерматит встречается у 15% населения земного шара. В мировом масштабе аллергияческий дерматит составляет 20-40% всех кожных заболеваний. Частота распространения этого заболевания среди детей достигает 20%, а среди взрослых людей — 2-8%. Заболевание встречается с одинаковой частотой как у мужчин, так и у женщин. В регионах с развитой промышленностью и химической индустрией уровень заболеваемости выше. В Европе примерно 10-15% взрослых сталкиваются с контактными дерматитом. В некоторых регионах Азии и Африки уровень распространения ниже по сравнению с другими регионами. В индустриализированных и урбанизированных районах частота распространения выше, и у 1-2 из 100 человек может наблюдаться хронический аллергияческий дерматит.

Ключевые слова: аллергияческий дерматит, химической индустрией уровень, контакт дерматит.

**IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF TREATING CHRONIC ALLERGIC
DERMATITIS WITH THE USE OF A NATURAL OINTMENT BASED ON GOOSE FAT**

Karimova F.R. <https://orcid.org/0009-0008-5021-0029>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Resume**

Currently, according to WHO data, allergic dermatitis affects 15% of the global population. On a worldwide scale, allergic dermatitis accounts for 20-40% of all skin diseases. The prevalence of this condition among children reaches up to 20%, while among adults, it occurs in 2-8% of cases. The disease is observed with equal frequency in both men and women. The incidence rate is higher in regions with developed manufacturing and chemical industries. In Europe, approximately 10-15% of adults experience contact dermatitis. In some regions of Asia and Africa, the prevalence rate is lower compared to other areas. In industrialized and urbanized regions, the prevalence rate is higher, with 1-2 out of every 100 people potentially suffering from chronic allergic dermatitis.

Key words: allergic dermatit, chemical industries, contact dermatit.

Долзарблиги

Аллергик дерматитлар ер юзида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг тарқалиши ижтимоий, иқтисодий ва атроф-муҳит омилларига боғлиқ [1.2.3.4]. Бугунга келиб энг долзарб касалликлар қаторида аллергия дерматозлар 4-ўринни эгаллайди, иқтисодий ривожланган мамлакатлар аҳолисининг қарийб 30 фоизида учрайди ва беморларнинг 1/3 қисмидан кўпроғида касаллик балоғат ёшига қадар давом этади [5,6]. Касалликнинг доимий ўсиши биринчи навбатда замонавий цивилизациянинг инсон танасига иммуносупрессив таъсири билан боғлиқ [7.8.9].

Тадқиқот мақсади: хроник аллергия дерматитлар ёки стероидга сезгир дерматозларни даволашнинг мавжуд усуллари халқ тиббиёти методлари билан оптималлаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Материал ва усуллар

Тадқиқотда сурункали аллергия дерматит билан оғриган 62 нафар бемор иштирок этди. Беморлар икки гуруҳга бўлинди: анъанавий тиббий даволанган гуруҳ ва халқ табобати усули билан даволанадиган гуруҳ.


Тадқиқотда иштирок этган беморларда сурункали аллергия дерматит ташхиси қўйилган бўлиб, касалликнинг турли босқичларида бўлган. Танлов жараёнида беморларнинг ёши, жинси, касалликнинг давомийлиги ва мураккаблиги эътиборга олинди. Тадқиқот ўтказишдан олдин беморлардан иштирок этиш ва маълумотларни очиқ қилишга розилик олинди.

Беморлар тери ҳолатини баҳолашда махсус миқдорий шкалалар (масалан, SCORAD - Scoring Atopic Dermatitis) ва тери билан боғлиқ бошқа белгилари баҳоланди. Беморларда қичишиш, қизариш, яллиғланиш, ва теридаги қурғоқчилик каби симптомлар баҳоланди. Қондаги эозинофиллар, IgE даражаси ва бошқа аллергия билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Анъанавий даво сифатида глюкокортикоидлар ва антигистамин препаратлар, шунингдек, тери парвариш қилиш воситалари қўлланилди. Халқ табобати усуллари ёрдамида даволаш мақсадида ғоз ёғи таркибли табиий малҳамдан фойдаланилди. Даволашнинг самарадорлиги, касаллик белгилари ёки уларнинг йўқ бўлишига қараб баҳоланди. Касалликнинг қайталаниши, симптомларининг камайиши ёки йўқолиши асосий кўрсаткичлар сифатида олинди. Тадқиқот натижалари статистик методлар ёрдамида таҳлил қилинди. Ушбу таҳлиллар даволаш гуруҳлари ўртасидаги фарқларни аниқлаш ва ҳар бир даволаш усулининг самарадорлигини баҳолаш учун қўлланилди.

Натижа ва таҳлиллар


Тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг жинс ва мурожаат қилган ҳудудига кўра тақсимланиши 1-2 расмларда келтирилган.



■ Эркаклар ■ Аёллар

1-расм. Тадқиқот гуруҳидаги беморларни жинси бўйича тақсимланиши, %

Таdqиқот гуруҳидаги беморларнинг 45 (52,9 %) аёллар, 40 (47,1 %) эркаклар эканлиги аниқланди. Аёлларда эркакларга нисбатан аллергик дерматитнинг кўпроқ учраши кузатилди.



■ Шахар ■ Қишлоқ

2-расм. Тадқиқот гуруҳидаги беморларни худуд кесимида тақсимланиши, %

Таdqиқот гуруҳидаги беморларнинг худудларга кўра тақсимланишида беморларнинг 59 (69,4 %) шаҳарда, 16 (30,6 %) қишлоқда истиқомат қилиши аниқланди. Бунга кўра шаҳарларда аллергик контакт дерматит билан касалланиш ҳолатлари қишлоқ аҳолисига нисбатан кўпроқ учраши кузатилди.

Таdqиқотда сурункали аллергик дерматит билан оғриган 85 нафар бемор иштирок этди. Ушбу беморлар икки гуруҳга бўлинди: анъанавий тиббий даволаш (АТД) гуруҳи ва халқ тиббиёти методлари (ХТМ) гуруҳи. Таdqиқотда IgE миқдори даводан олдин ва кейинги муддатларда текширилганда куйидаги натижалар қайд этилди:

1-жадвал

Таdqиқот давомида IgE миқдори динамикаси

Даво усуллари	Даволашдан аввалги IgE	Даволашдан кейинги IgE
Анъанавий даволаш	200±12,4 IU/ml	171,6±6,8 IU/ml
Халқ тибобати ёрдамида даволаш	198,2±16,7 IU/ml	140,5±11,1 IU/ml

Таdqиқотдаги ҳар иккала гуруҳдаги беморларда даводан олдин IgE миқдори бир хил, 200 IU/ml га тенг эди. Анъанавий даво ўтказилганидан кейин 1,17 мартага камайиб, 170 IU/ml га етди, халқ табобати ёрдамида даволанган беморларда ғоз ёғи таркибли табиий малҳамни қўллагандан кейин эса IgE миқдори 140 IU/ml га пасайди. Бу эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 1,42

марта яхшиланиш декмакдир. Иккала усул солиштирилганда ғоз ёғи таркибли табиий малҳамни кўллаш 1,2 мартаба самаралироқ эканлиги тасдиқланди.

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳидаги беморларда клиник симптомларнинг учраши, %

Даво усуллари	Ғоз ёғи таркибли малҳам билан даволанаётган беморлар (n=45)		Анъанавий усулда даволанаётган беморлар (n=40)	
	Абс.	%	Абс.	%
Тери қичишиши	39	86,7	35	87,5
Терида ёниш хисси	31	68,9	30	75
Эритема	35	77,7	24	60
Тери қуруқлиги	28	62,2	36	90

Тадқиқот давомида ғоз ёғи таркибли малҳам билан даволанаётган (n=45) беморларнинг 39 (86,7 %) нафарда терида қичишиш, 31 (68,9 %) нафарда терида ёниш хисси, 35 (77,7 %) нафарда эритема ва 28 (62,2 %) нафарда тери қуруқлиги қайд этилди. Анъанавий даво усули билан даволанаётган (n=40) беморларнинг 35 (87,5 %) нафарда терида қичишиш, 30 (75,0 %) нафарда терида ёниш хисси, 24 (60,0 %) нафарда эритема ва 36 (90,0 %) нафарда тери қуруқлиги аниқланди.

2-жадвал

Тадқиқот гуруҳидаги беморларда даво динамикасида клиник симптомларнинг учраши, %

Даво усуллари	Ғоз ёғи таркибли малҳам билан даволаш (n=45)		Анъанавий усулда даволаш (n=40)	
	Абс.	%	Абс.	%
Тери қичишиши	12	26,7	19	47,5
Терида ёниш хисси	10	22,2	17	42,5
Эритема	16	35,5	16	40,0
Тери қуруқлиги	9	20,0	22	55,5

Тадқиқот давомида ғоз ёғи таркибли малҳам билан даволангандан сўнг (n=45) беморларнинг 12 (26,7 %) нафарида терида қичишиш, 10 (22,2 %) нафарда терида ёниш ҳисси, 16 (35,5 %) нафарда эритема ва 9 (20,0 %) нафарида тери қуруқлиги қайд этилди. Анаънавий даво усули билан даволанаётган (n=40) беморларнинг 19 (47,5 %) нафарида терида қичишиш, 17 (42,5 %) нафарда терида ёниш ҳисси, 16 (40,0 %) нафарда эритема ва 22 (55,5 %) нафарда тери қуруқлиги кузатилди.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, анъанавий тиббий даволаш ва халқ тиббиёти методлари орасида самарадорлик бўйича фарқлар қайд этилди. Анъанавий даво қўлланилган гуруҳ беморларида симптомлар камайиши секинроқ намоён бўлди, лекин баъзи ҳолларда нохуш таъсирлар кузатилди. Бу ҳолат, глюкокортикоид ва антигистамин препаратларининг кучли таъсир кучига боғлиқ бўлиши мумкин.

Бошқа томондан, ғоз ёғи таркибли табиий малҳам билан даволанган гуруҳда табиий воситалар қўлланилиши беморларда нохуш таъсирларсиз, яхши натижалар берди. Бу методлар организмга зиёнсиз ва узоқ муддатли қўллаш учун мақбул эканлигини кўрсатди.

Хулоса

1. Ғоз ёғи таркибли табиий малҳам билан даволанган беморларда тери қичишиши анъанавий давога нисбатан 1,8 марта (мос равишда 47,5 % ва 26,7 %), терида ёниш ҳисси 1,9 марта (мос равишда 22,2 % ва 42,5 %), эритема 1,1 марта (мос равишда 35,5 % ва 40,0 %) тери қуруқлиги 2,8 марта (мос равишда 20,0 % ва 55,5 %) камайганлиги ва ушбу усулнинг юқори самарадорликка эга эканлиги кузатилди.
2. Ғоз ёғи малҳамларини сурункали аллергияк контакт дерматитни даволашда қўллаш самарали бўлиб, улар терини намлаш, қичишишни енгиллатиш ва яллиғланишни камайтиришда яхши натижаларни кўрсатади. Бу малҳамлар кам нохуш таъсирларга эга бўлиб, табиий воситаларни афзал кўрадиган беморлар учун яхши альтернатива ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримова Ф.Р. Всё об аллергическим дерматозам. // Бухоро давлат тиббиёт институти. Бухара, 2022; С. 49-57.
2. Каримова Ф.Р. Оптимизация методов народной медицины при лечении хронического аллергического дерматита //Журнал экспериментальни исследований. Тошкент, 2024;3:39-46.
3. Клиническое руководство по контактному дерматиту: Диагностика и лечение в зависимости от области поражения под ред. Р. Льюаллен, А. Кларк, С. Р. Фелдмана. — М.: МЕДпресс-информ, 2016; 96 с.
4. Мавлянова Ш.З., Муминова С.Р., Бобоев К.Т. Способ диагностики степени тяжести клинического течения атопического дерматита Дерматовенерология и эстетическая медицина. //Научно-практический журнал 2016; 74-77 стр.
5. Karimova F.R. Clinical manifestations of acute allergic conditions in children //Bulletin of the Council of Young Scientists and Specialists of the Chelyabinsk region. 2024;3/2(17):40-46.
6. Karimova F.R. Optimization of folk medicine in the treatment of chronic allergic dermatitis //Eurasian journal of medical and natural sciences. Uzbekistam, 2024;4:130-139.
7. Karimova F.R. Comparison of the effectiveness of using traditional medicine methods in the treatment of allergic dermatitis //International Journal of Cognitive Neuroscience and Psychology. USA, 2024;2:1-7.
8. Karimova F.R., Muminova A.Yu. Acute allergic conditions in children living in an ecologically unfavorable area of the city of Bukhara //Bulletin of the Council of Young Scientists and Specialists of the Chelyabinsk region 2023;1(16):6-9 [in Russian].
9. Karimova F.R., Saidov A.A., Turdiev M.R. The significance of the mathematical modeling method for the recognition of acute allergic diseases and conditions in children //Bulletin of the Council of Young Scientists and Specialists of the Chelyabinsk Region Iss. 2023;3/2(17):47-54.

Қабул қилинган сана 20.07.2024

